

63,90	78,69
52,28	69,80
81,61	103,07

Пажтакор ўртоқ!
Йил тамом бўлай деб қолди.
Ғалвир кўтарилмоқда. Сўнг-
ги тонна „оқ олтин“ларингни
хирмонга ағдар!

3-БЕТ, 8 ДЕКАБРЬ, 1962 ИИЛ.

ТАНГАНИКА РЕСПУБЛИКАСИ

Илгари Англиянинг мустамлакаси бўлиб, ўтган йил мустақиллик олган Танганьика 9 декабрда Британия миллатлар ҳамдустлиги составида Республика деб эълон қилинади. Мамлакатнинг президенти ибора қилади.

Шарқий Африканинг энг катта мамлакат бўлган Танганьика Республикасининг сатҳи Франция, Голландия, Бельгия, Швейцария, Люксембург ва Габон Германия мамлакатларининг жамини сатҳига тенгдир. Унинг территорияси 939 минг квадрат километр, аҳолиси 9,4 миллион киши. Республиканинг пойтахти Дорис-Салом шаҳри бўлиб, бу ном «Тинчлик юрти» деган маънони билдиради.



Танганьика кам тараққий этган аграр мамлакат бўлиб, асосан Сизаль (жаҳонда биринчи ўринда), пахта, кофе, банан, цитрус мевалари етиштирилади. Унинг ер ости бойликлари кам ўрғанилган. Мамлакатда олмос, олтин, темир руда, күмир, қўроғини, мис ва бошқа фойдаланиш қазилма қонлари бор. Қон қазини санаториянинг энг муҳим тармоғи бўлган олмос қонлари Англия капиталининг қўлида.

Танганьиканинг шу йил 1 ноябрда сайланган биринчи президенти Жулиус Камбарезе Ньерере мамлакатнинг етакчи партияси — Танганьика Африка миллий иттифоқи (ТАНУ)нинг бошлиғидир. 1960 йилда бўлган парламент сайловларида бу партия 71 ўриндан 70 тагини олди. Ўшанда шу партиянинг раҳбарларидан бири бўлган Рашиди Кавава Танганьиканинг африкаликлардан иборат биринчи ҳукуматини тuzди.

КАПИТАЛИЗМ ИСКАНЖАСИДА

241 МАРТА ИШ ТАШЛАШ

АНГЛИЯ. Октябр ойида Англияда бўлиб ўтган ишталашларда 387 минг ишчи қатнашди. 241 марта иш ташланганда 610 минг ишчи куни йўқотилди. Бу маълумотлар Англия меҳнат министрлигининг органи «Министри оф лейбор газетт» журналида босилган.

САМОЛЁТЛАР УЧМАДИ

ЯПОНИЯ. «Нихон коку» авиатранспорт компанияси ишчилари касабаси союзи кўшимча иш ҳақи берилишини талаб қилиб, 8 соатлик иш ташлаш эълон қилди. Натияжада Токио билан Осака шаҳарлари ўртасида учувчи 12 самолётдан 6 таси ҳавога қўтарилмади.

ИШ ҲАҚИ ОШИРИЛСИН

АҚШ. «Поларис» баллистик ракетага ва бошқа ҳарбий ракетага, самолётлар ишлаб чиқаришдаги «Лонгхид эйр крафт» корпорацияси сановат корхоналарида катта ишталаш бўлиди. Бу корпорациянинг ишта-квартираси жойлашган Калифорниядан берилган маълумотга қараганда, механиклар касабаси союзи аъзоларидан 26 минг ишчи ишламай қўйган.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 8 ДЕКАБРЬ, 1962 ЙИЛ

Дунёнинг бир куни

НЕРУНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДЕХЛИ. 6 декабрь. (ТАСС). Инспекция ўтказиш мақсадида Гаухатига (Ассам штати) борган Хиндистон бош министри Неру кеча ўша ерда ўтказилган матбуот конференциясида гапирди. Хиндистон тинчлик ва бетарафлик сиёсатидан воз кечмайди, деди. Хиндистон деди Неру, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий экономикани ривожлантиришнинг беш йиллик планларини рўйбега чиқариш манфаатларини кўзлаб, социал ва иқтисодий

соҳада ўз олдига турган вазифаларни бажариши лозим. Неру Хиндистон Хитой чегарасидаги вазиятга тўхталиб, Хитой Республикаси ҳукуматининг жангалларни тўхтатиш тўғрисида айтиган гапларига мувофиқ, Хитой Халқ Республикасининг қўшинлари бир қанча чегара районларидан олиб чиқиб кетилганлигини тасвирлади. Хиндистон ҳукумати, деди Неру, Хитой қўшинларини 1962 йил 8 сентябргача бўлган диния нарёғига олиб кетишни талаб қилаётганлигини эслатиб ўтди.

Ҳинд ҳарбий асирлари қайтарилди

ПЕКИН. 6 декабрь. (ТАСС). Хитой чегара қисмлари ҳужум қилган вақтда асирликка олинган ҳинд ҳарбий хизматчиларидан ярадор ва касал 64 кишини бугун Хитой чегара қисмлари Тибет районидаги Бомдидлада бўшатиб юборди. Булар Хитойнинг чегара қисмлари бўшатган асирларнинг биринчи гуруҳасидир.

Синьхуа агентлигининг хабарига қараганда, маю шу ярадор ва касал ҳиндиларни қабул қилиб олоқ учун Хиндистон Қизил крест жамияти томонидан юборилган врачлар Хитой томонидан ярадор ва касал ҳинд ҳарбий асирларига кўрсатган медицина ёрдамида ўзларининг мамнун бўлганликлари айтилди.

ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

САНТ-ЯГО. 6 декабрь. (ТАСС). Собик эсэсчи ҳарбий жиноятчи Вальтер Герман Рауф Чилининг жанубидаги Пунта-Аренас шаҳрида қамолда олинди. Бу жиноятчи иккинчи жаҳон уруши вақтида 90 минг яхудиини ўлдирган эди.

Чилидаги «Нотисас де ультима ора» газетаси Германия Федератив Республикасидан олинган маълумотларга асосланиб, газ билан бўғиб ўлдирилган автомашиналарни яратувчилардан бири маю шу Рауф бўлганлигини хабар қилди. Қамолда олинган Рауф кеча Сант-Ягога келтирилди. Чили олий судининг расис Рафаэль Фонтесия олдида тергов берган Рауф ўз устига қўйилган айбни бўйинга олмайди, лекин нацистлар партиясининг аъзои бўлганлигини ва уруш вақтида бир қанча қамолда лагерларида «ишлаганлигини» инкор қилгани йўқ.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Рауф Латин Америкасига қочиб кетган. Испония разведкаси 1958 йилдан бери уни қузатиб юрар эди.

Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Рауфни Габри Германия маъмурлари қўлига топширишни талаб қилмоқда.

Монголия ҳосили

УЛАН-БАТОР. 6 декабрь. (ТАСС). Бу йил Монголия Халқ Республикаси 20 миллион пудга яқин дон йиғиб олди, мамлакатда деҳқончиликни ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришилди. Ўн минглаб гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилди, республиканинг энин майдони анча кенгайди, — деб хабар беради «Унэн» газетаси.

Газета Монголия Халқ Республикасида мўл ҳосил олиндида Совет Иттифоқи берган ёрдамнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида қайд қилди. Бундан ташқари, Совет ҳукумати Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг илтимосига кўра мамлакатда ҳосили йиғиштириб олинган даврида 300 та тажрибали комбайнчиларни юборди. Улар ҳосили йиғиб олиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишда анчагина кўмак бердилар.

Перу партизанлари

ТАВНА. 5 декабрь. (ТАСС). Пренса Латина агентлиги хабар беради: Перу граждн гардияси ва полициясининг бошлиғи генерал Умберто Кеа ички ишлар министрлигига берган докладыда Конвенсон водисиди (Кускоянинг жойда) партизанлар кураш фюккари борлигини маълум қилди.

Кеа партизанларни «Экстремист агитаторлар» деб атади. Улар «Бу райондаги деҳқонлар оиласини ҳаракат қилишга даъват этмоқда».

Пренса Латинанинг хабар беришича, Куско департаментида кўпгина деҳқонлар помешникларнинг ерларида ишлашни тўхтатганлар ва асосан ўзларининг майдон бадлакларини ишлаш билан шуғулланмоқда.

БИР ОВОЗДАН

НЬЮ-ЙОРК. 6 декабрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг иқтисодий ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи комитети кулросизланиш натижасида бўшаб қоладиган маблаг ва ресурсларнинг тинч эхтиёжларга сарфлаш ҳақидаги декларациянинг Совет-Америка қўшма проектини бир овоздан қабул қилди.

Декларациянинг Совет-Америка қўшма проектини кўп мамлакатларнинг, шу жумладан Куба, Жапон, Хиндистон, Чехословакия, Непал, Сурия ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари тасдиқладилар. Уларнинг ҳаммаси декларация проектининг қабул қилиниши ёнмасига ва батамом кулросизланиш йўлидаги реал қадм бўлади, деб ишонч билдирди. Комитет кулросизланиш натижасида бўшаб қоладиган маблаг ва ресурсларни тинч эхтиёжларга сарф қилиш ҳақидаги декларациянинг СССР ва АҚШ тақлиф этган проектини бир овоздан маъқуллаганда делегатлар бу қарорни қизгин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Польша радиоприёмниклари

ВАРШАВА. 6 декабрь. (ТАСС). Дзеяржоневдаги «Днор» заводини Польша радиотехника сановатининг пионери деб атайдилар. 1947 йилда «Днор» заводиди чиқарилган биринчи радиоприёмник «Пионер» типидидаги приёмник бўлди. Ўтган 15 йил мобайнида Польша радиотехника сановатининг тўғичи анча ўсди. Ўзининг ишлаб чиқариш қувватини кўпайтирди. Эндиликда завод экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Коллектив завод ташкил этилган кунининг 15 йиллигини 4 миллиончи радиоприёмник ва 100 мингичи телевизор чиқариш билан нишонлади.

Хозирги вақтда Польша радиотехника сановати ҳар хил типдаги радиоприёмниклар чиқармоқда. Унинг номенклатурасида энг кичик ва энг катта аппаратлар бўлиб, бу аппаратлар узастиланг эшиттиришни гоят соф ҳолда қабул қилиш ва широйли ташқи пардоз билан ажралай туради.

Польша радиотехника сановати ўз қувватини уалуксиз оширмоқда, асортиментини кенгайтирмоқда. Польшада урушгача бир йилда 100 мингдан салгина кўпроқ радиоприёмник чиқарила эди. 1963 йилда 600 минг дондан кўпроқ радиоприёмник ишлаб чиқарилади.

ХИМИКЛАР АНСАМБЛИ

Чирчиқ химиклар маданият саройидаги ўзбек ашула ва рақс ансамбли шаҳар меҳнатчилари орасида муносиб ҳурматга эга.

Бу талантли ёшлар ансамбли 1956 йилда ташкил этилган эди. Шундан буюн ахил ижодий коллектив аъзоларининг ижроичилик мароҳатлари анча ошди. Ўларнинг концерт номерлари ҳам кенгайиб, репертуарлари хилма-хил ашулалар ва рақслар билан бойиди. Концерт программаларида ўзбекча, ҳиндча, арабча ва бошқа шарқ халқлари ашула ва ғўнчалари бор.

Ансамбль кўпгина ёшларни санъат асослари ва ижроичилик маҳоратини янада чуқурроқ ўрганишлари учун олий ўқув юртига узади. Жумладан, К. Азимов, Х. Пидаметов, К. Абдулҳақимовлар ҳозир Тошкент Давлат консерваториясининг студентларидир. 10 ҳаваскор аса мизика билан юртида таълим олишга мурасар бўлди.

Шу кунларда ижодий коллектив аъзолари катта программада Янги йил концертига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ансамбль аъзолари бадий ҳаваскорлик коллективларининг обаласт ва республика кўрқиларида ҳам қатнашиб турадилар. Улардан кўпчилиги дипломлар билан тақдирланган. И. Аҳмаджонев аса республика якъ а х о и ашулачилар конкурсида қатнашиб, лауреат унвонини ва биринчи даражади диплом олишга мурасар бўлди.

Г. ЯСТРЕБОВ.

Дўстлик фазилати

Касалхонага ҳаммаёғи куйган тракторчи келтирилди. Уни соғайтириш учун тери керак эди, шу сабабли касалхона хирург Н. Галицкий Посохов ишлаётган «Индустриальный» совхозни ёшларга мурожаат қилди. Касалхонага ўз ўрқоларига тери беришга рози бўлган ёшлардан 30 дан ортиқ ёш ишчи келди.

Жонажон дўстларининг ёрдами билан Илья Посохов соғаймоқда. Янгида у ўз дўстлари қаторига қўшилди.

КИМ МАСТЕР БЎЛАДИ?

Энг катта спорт мусобақаси — СССР халқлари III спартакиадаси бошланғичда тўққиз ойгина вақт қолди. Спартакиада стартига иттифоқчи республикалардан йиғилган энг яхши спортчилар қийадилар. Ўзбек шахматчилари ана шу синовга жиддий тайёргарлик мақсадида СССР спорт мастери номини олиш учун турнир ташкил қилдилар.

Пойтахтимизга тажрибали мастерлар — москвалик Владимир Антошин, свердловский Георгий Бастриков ва киевлик Юрий Сахаров тақлиф қилинди. Улар республика чемпиони мастер Александр Грушевский ва Ўзбекистоннинг биринчи шахмат мастери Мамажон Муҳиддин билан бирга уч дааралик матч-турнирда ўйнамоқдалар. Фахрли номни олиш учун ўқитувчи Эркин Каримов (Анджон) ва Георгий Шахзод (Тошкент), поезд проводниги Эмин Шомоҳмудов, геолог-инженер Григорий Бударин ва «Спартак» жамиятининг ходими Арсен Сорокин курашмоқдалар.

Шахмат тахтаси устида мастерликка кандидатлар ўзларини ноқулай ҳис қилиб, қатор мағлубиятга учрадилар. Тажриба етишмаслиги ва тақиқли рақиблар қаршисида ўқусизлик қилиб қолиш ана шунга олиб келди. Тўртинчи турдагина улар ўзларини ўзлаб олдилар. Бунда Г. Шахзода ажойиб услубда мастер Г. Бастриков устидан галаба қозонди. Ўзини жуда қисқа давом этди. Лекин у шахмат назариясига маълум ҳисса қўйди. Кейинги турда Г. Бударин ва Э. Шомоҳмудов кўптаринкили билан ўйнаб, В. Антошинни ютдилар.

Тўққиз турдан кейин 4 очко олган Г. Шахзода мастерлик нормасини бажариш учун яхши имкониятга эга бўлиб турибди. Г. Будариннинг имкониятлари ҳам чакимас. Қизик ўйинлар кўрсатаётган Э. Каримов ва Э. Шомоҳмудовлар ҳал қилувчи ҳолатларда шойиб қолиб, муваффақиятсизликка дуч келмоқдалар.

Ю. САХАРОВ,
СССР спорт мастери.

«ДИНАМО» ЯПОНИЯДА

ТОКИО. 5 декабрь. ТАСС мухбири Ю. Вдовин хабар беради: Москва «Динамо» командасининг Япониядаги дастлабки ўйини бугун Нагояда 2:0 ҳисоби билан совет футболчилари фойдасига ҳал бўлди. Динамочилар мамлакат ёшлар терма командаси билан узрашдилар. Ҳисобини Стадник очди. У биринчи таймининг ўн биринчи минутидида боши билан уриб тўпни Япония командаси дарвозасига киритди. Иккинчи голни иккинчи таймининг ўн иккинчи минутидида Численко киритди.

Г. ЯСТРЕБОВ.

СУД ЗАЛИДАН

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Сандахмат Валиев неча йиллардан буюн ҳалол меҳнат қилмай, турли нопок йўллар билан яшаб келди. У бир эмас, уч хотинга уйланиб, саккиз фарзандини отаси бўлди. Ана шу хотинларининг маблагидан дастмаа тўлаб савдогарчиликни авж олдириб юборди. Валиев сўнги пайтларда Грузиядан ёғимини дучооба ва қимматбаҳо жун рўмолларни арзон нархда сотиб олиб, Тошкентга ўз номига почта орқали «доставованье»га юбориб турди. Бу посилкалар Тошкент шаҳар Октябр район 69-алоқа бўлимига келиб туша бошлади. Бу ишда унга алоқа бўлимининг бошлиғи Наби Раҳимов ёрдам бериб турди. Валиев муддатли ўтган паспорт билан алоқа бўлимида посилкаларни олиб кетар ва областимизнинг турли районларига олиб бериб ортиқча нархда пуллар эди.

Валиевнинг иши юришиб кетди. Текин даромад ортиштиришга мурка

Шу кунларда пойтахтимиз тамошобилари Москванинг Мюзик-Холл театри коллективининг гастролларини зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар. Москваликларнинг «Москва — Зухро, яна ҳаммаёғларда!» сахна асари айниқса катта муваффақият қозонди. Суратда Москва артистларининг чизими.

Р. Жабборов фотоси.

Х. ТОШХУЖАЕВ,
халқ маслаҳатчиси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

8 ДЕКАБРДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 18.00 — Замондошим (ёшлар учун). 18.25 — Телевизион янгиликлар. 18.40 — Музика драмалардан парчадар (Музикаий номли театрлар).

Рус тилида: 20.40 — Телевизион янгиликлар. 20.55 — Қарағай шоҳаси ҳақида эртан (мультипликация, он фильм) 21.05 — Киножурнал ва Булутда тўрт қадм номли бадий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 18.40 — Успенский номли музика мактаби ўқувчиларининг концерти (болалар учун). 19.15 — Тошкент янгиликлари. 19.30 — Бу ерда об-ҳаво аниқланади. 19.50 — Запорозьелни Дунай ортида (фильм-опера).

ТЕАТРИ

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/ХII да Жизель, 9/ХII да эрталаб Севилья сартароши, кечқурун Чю-Чю-Сан.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни
УКРАИНА ЦИРКИ
Артистларининг
ва Удмуртния АССРда хизмат кўрсатган артист
ИВАН КУДРЯЦЕВНИНГ
ажойиб айғи Гоша билан
ГАСТРОЛЛАРИ
Цирк майлида қизқичилардан Байда, Копит, Кравцов ва Каченколар томоша давомидида қатнашади.
Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

ДИССЕРТАЦИЯНИ ЕҒЛАШ

Б. Самархўжаевнинг
ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЕҒЛАШ
(газетанинг 18/ХI сонини қаранг)
12 декабрга кўчирилди
ва кундуз соат 2 да, ижтимоий фанлар институтларининг конференцияда бўлади (Навоий кўчаси, 55-а уй).

«ОБЛКООПБЫТЭСЕКЦИЯ»

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИГА
сотувчилар, старший сотувчилар, шоғирлар, склад мудири, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Жомикўчаси 5-уй.

УН УЧИНЧИ РАФИҚА

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ
КИНОКОМЕДИЯ.
Сценарий автори — Али Заркани.
Режиссёр — Фатим Абдил Ваҳоб.
Бош ролларда: Шади, Рушди Абаз.
«Фильм Жамол ал Лейс» студияси ишлаган.

МАРДЛАР КЎРАШИ

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ
БАДИЙ ФИЛЬМ.
Сценарий автори ва режиссёр — Тавфик Салих.
Бош ролларда: Самира Аҳмад ва Шукри Сархан.
«Изауддин Зулфигор» студияси ишлаган.

ҚУЁШ ҲЕЧҚАЧОН СЎНМАС

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ БАДИЙ
ФИЛЬМ.
Сценарий автори — Люсен Люмейран.
Режиссёр — Салоҳ Абу Сейф.

ТОШКЕНТ ТУЗКИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

Йиғирувчи, тўқувчи, ровничини, сьёмичи, моталчи, зардиқ касбларига ўргатиш учун

қизлар

мастер ёрдамчиси ва бошқа касбларга ўргатиш учун

йигитлар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес: Физкультура кўчаси, 6-уя 4-б.хона, ишчи ёллаш бўлими.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекисстана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЫ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25883. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет курилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, сановат ва транспорт бўлими — 33786. Секретарият — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илгор тажрибаларни пропаганда қилиш штатиси бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашрнинг босмаҳонаси,
Р. 13999.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/ХII да Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Хўжаевнинг иккинчи кечаси, 9/ХII да эрталаб Уч баҳодир, кечқурун Тошбонто ошин.
ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/ХII да Мирзо Улуғбек, 9/ХII да кундуз Фурқат, кечқурун Тобутдан товуш.

Кино

Гуноҳкор — «ВАТАН» (кундуз соат 4 дан). НАВОИЙ НОМЛИ, «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).
Халон бўлган кишининг совғаси — «МИР» (кундуз ва кечқурун).
Хатарли ёш — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).
Ғалати одам — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
«СПУТНИК» (йуфт соатларда).
Гаврош — «ВАТАН» (кундуз соат 4 гача).
Қирувчилар — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 8да).
Улмас Качеши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 яримда).
Чин инсон қиссаси — (эрталаб соат 10 да), Кўмак қалъа (эрталаб соат 11, кундуз 1,3 ва кеч 5 да) — «СПУТНИК».

1962 йил 13 декабрь кундуз соат 3 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг геология факультетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 133-аудитория)

Б. В. Полянский
геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Хисор тизма тоғларининг жанубий ёнбағридаги муз мезозой қатламларининг ҳоли бўлиш литологияси ва шароити» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҒЛАЙДИ
Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин. Кўйбошев кўчаси, 10-уй).

«ОБЛКООПБЫТЭСЕКЦИЯ»
ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИГА
сотувчилар, старший сотувчилар, шоғирлар, склад мудири, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Жомикўчаси 5-уй.

ДИССЕРТАЦИЯНИ ЕҒЛАШ

Б. Самархўжаевнинг
ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЕҒЛАШ
(газетанинг 18/ХI сонини қаранг)
12 декабрга кўчирилди
ва кундуз соат 2 да, ижтимоий фанлар институтларининг конференцияда бўлади (Навоий кўчаси, 55-а уй).

«ОБЛКООПБЫТЭСЕКЦИЯ»

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИГА
сотувчилар, старший сотувчилар, шоғирлар, склад мудири, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Жомикўчаси 5-уй.

УН УЧИНЧИ РАФИҚА

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ
КИНОКОМЕДИЯ.
Сценарий автори — Али Заркани.
Режиссёр — Фатим Абдил Ваҳоб.
Бош ролларда: Шади, Рушди Абаз.
«Фильм Жамол ал Лейс» студияси ишлаган.

МАРДЛАР КЎРАШИ

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ
БАДИЙ ФИЛЬМ.
Сценарий автори ва режиссёр — Тавфик Салих.
Бош ролларда: Самира Аҳмад ва Шукри Сархан.
«Изауддин Зулфигор» студияси ишлаган.

ҚУЁШ ҲЕЧҚАЧОН СЎНМАС

НОМЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ БАДИЙ
ФИЛЬМ.
Сценарий автори — Люсен Люмейран.
Режиссёр